

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1988 йил 6 майдан чика бошлаган.

№ 104 (6. 593)

1988 йил 6 май, жума

Баҳоси 3 тийин

ЗАМОНДОШИМИЗ

Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига делегатликка номзодлар

Фидойи

Шахримзада «Ташсантехгазмонтаж» трест «Глававтошкентстрой»га қарашли энг йирик қурилиш ташкилотларидан биридир. Трестда қўллаб-қувватловчи коммунистлар меҳнат қилишади. Улар КПСС XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленуми қарорларини оғишмай амалга ошириб келмоқдалар. Айниқса, партия ва ҳукуматимизнинг 2000-йилгача бўлган Уй-жой программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Асосан улар янги қуриладиган уйларда санитария-техника жиҳозларини сифатли ўрнатилганга эътибор беришлар. Бундан икки йил муқаддам тез-тез трест ишчилари адресига аҳолидан эътирозлар тушиб турар эди. Айни пайтда эътирозлар ўз ўрнини миннатдорчилик сўзларига бў- шатиб берди.

Трест қўлга киритаётган ютуқларда 1-монтаж бошқармасининг ҳиссаси каттадир. Бу ерда меҳнат қилаётган Х. Зокиров бошчи бригадалар ўртасидан му- собоқаларда ҳамisha пешқадамлик қилиб келади. Чунки бригадада оловқаб ишлар, ўз касбиянинг усталари, фидойи коммунистлар меҳнат қилишади. Шунлардан бири газпайвандчи Ботир Яминович Назаровдир.

Кеча 1-монтаж бошқармасининг «Қизил бурчани» одамлар билан янада гавжум бўлди. Улар бу ерга Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига делегатликка ном- зод кўрсатиш учун тўландилар. Янги- ланган ўзаро мунозара ва тортишувлар- дан сўнг газпайвандчи Ботир Назаров ҳам- да 2-монтаж бошқармасининг слесарь-ул- човчиси Юрий Михайлович Захаровлар- нинг номзодларини кўрсатдилар. Ҳамкас- лари ҳар икки номзодга характеристика бериб ўттири.

Ботир Назаров 1968 йили Совет Ар-

мияси сафида ўз хизмат бурчини ўтагач, тўғри ана шу бошқармага ишга келди. Айни пайтда Х. Зокиров бошчи бригада- да зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Бу бригада Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги ша- рафига беш йилликнинг икки йиллик то- шириғини бажаришга эришди. Бу муваф- фақиятда Б. Назаровнинг ҳам ҳиссаси бор- дир.

— Мен Ботир Яминович Назаровнинг номзодини яқдидлик билан тавсия этаман, — деди 1-монтаж бошқармасининг хизмат- чиси М. М. Чернишова. — У жуда ҳам ҳалол, пок, қатъиятди инсон. Ўз устиди тинмай ишлайди. Жамоат ишларини ҳам бажариб келяпти. Мана ўн йилдирки, пар- тия группасига етакчилик қилиб келади. Бригада коллективини янги марралар са- ри чорлаяпти. Ишлаб чиқаришдан ажрал- маган ҳолда Тошкент қурилиш техникуми- ни тугаллади. Ленин район партия ко- митети бюроси аъзоси сифатида ҳам фаол- лик кўрсатмоқда. У коллективимиздан де- легатликка муносиб номзод бўла олади.

— Тўғри, — дейди унинг сўзини қў- лаб-қувватлаган «Газмонтаж» бошқарма- сининг бригадаси бошлиғи А. Нуриллаев, — мен Ботир Назаровни кўп йиллардан бери биламан. Энг муҳими у ҳалол ва принци- пал киши. Шунинг учун ҳам ҳар бир ишда бошқаларга намуна бўла олади. Хо- зирги қайта қуришда ана шундай фидойи кишилар керак. Мен ҳам унинг номзодини қўллаб-қувватлайман.

Ошкоралик ва демократия руҳида ўтган ана шу йиғилишда кўпчилик овоз билан газпайвандчи Ботир Яминович Назаров Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси- га делегатликка номзоди кўрсатилди.

М. ХАЛИЛОВ.

СУРАТДА: газпайвандчи Ботир Назаров. Р. Шарипов фотоси.



Биродарлашган шаҳарлар дўстлиги

Жаҳон биродарлашган шаҳарлар кўни арасида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсаидов Ўзбекистон пойтахти аҳолиси номидан Америкадаги биродарлашган шаҳар — Снэтл мэри ва аҳолисига табрик мактубини йўллади.

Ш. Р. Мирсаидов мазкур мактубда СССР ва АҚШ шаҳарлари ўртасида биринчи бўлиб шерикчилик ало- қаларини муваффақиятли ривожлантира бошлаган ша- ҳарлар — Тошкент ва Снэтл ўртасидаги муносабатлар янада мустаҳкамланиши, деб ишонч билдирди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси ўз мактуби- да ўзаро ҳамкорлик қилиш мумкин бўлган қатор янги соҳаларни кўрсатиб ўтди.

Мактуб макбуот англичанлари агентлиги орқали АҚШ- га йўлланган эди. Унинг тез орада Снэтлга етиб бо- риши учун Америка — Совет биродарлигининг фанси, америкалик инженер — Таллахасси шаҳрида (Флорида штати) истимомат қилувчи электроник Боб Бродел ўзи- нинг бутун имкониятларини ишга солиди. Боб Бродел ўз электрон алоқа каналлари орқали мактубини Тош- кентдан Снэтлга етказди.

«Снэтл — Тошкент биродарлашган шаҳарлар» Коми- тетининг секретари — Хелен Лоритсеннинг бизга маъ- лум қилишига қараганда, Тошкентдан келган хабарини Американинг ана шу шаҳрида қизгин кутиб олмишган.

Снэтл мэри Чарльз Робернинг жавоб мактубини шаҳарда ўтиришнинг ҳолати бўлмаса керак, деб ўй- лаймиш.

Газетанинг шу сонига телеграмма

Хўрматли Шукрилла МИРСАЙДОВГА. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси.

Хўрматли мэр Мирсаидов, Сизнинг Жаҳон биродарлашган шаҳарлар кўни муносабати билан йўллаган мактубингизни зўр қони- қиш билан олдим.

Биз, Снэтл аҳолиси, шерикчилик алоқаларини ривожлантиришда бизнинг иккала шаҳарларимиз эришган ютуқлар билан фойдаланамиз. Биз ана шу алоқалардаги ҳозирги тараққиётга, айниқса, кўпо- намиш. Мана икки ҳафтадирки, Тошкентдан келган студент ва ўқитувчилар граждандаримиз хонадон- ларида истимомат қилинапти. Ҳозиргина снэтллик ҳамкасблари билан елкама-елка ишлайдиган шаҳ- рингиз врачларини кутиб олдим. Ўтган ҳафтада Снэтлдан шаҳрингиз учун мўлжалланган ускуналар ортгани катта қўл эканлигини эди. Биз кўпгина қўлчиллар иштирокида Тилчлик боғини бунёд этияпти. Ҳадемай, Снэтлнинг тинчлик хори хузу- рингизда меҳмон бўлиб, музикали тинчлик ва яхши ирода мактубини топширади.

Биз биродарлашган шаҳарларимиз ўртасидаги алоҳида муносабатлар бундан бўён ҳам ривожланиб боради, бир-биримизни яхшироқ билишимиз учун янги-янги йўللари ялланшиш имкониятларини, кўпгина умумий муаммоларини ҳал этиш борасида ҳамкорлик имкониятларини яратиб беради, деб ишонамиз.

Бундай ҳамкорлик мамлакатларимиз учун ўз му- носабатларини позитив асосда қуриш борасида ишончли намуна бўлади. Бизнинг алоқаларимиз ана шундай мисол намунасидир.

Сизга ва Тошкент граждандарига эзгу истак- ларимини изҳор этаман.

Чин қўнгилдан Чарльз РОБЕР, Снэтл мэри.

Мукофотлар топширилди

5 май кўни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президи- умда даялаб мукофотларини топшириш маросими бўлди. Республика «Правда Вос- токи» газетаси редакцияси билан Ўзбекистон Компар-

тияси Марказий Комитети нарийбрийнинг бир гуруҳи ходимларига СССР ва медаллари тантанали вази- рда топширилди. Улар совет макбутида кўп йил самара- ли ишлаганликлари учун

шу мукофотларга сазовор бўлдилар. Мукофотларни Ўзбекис- тон ССР Олий Совети Пре- зидиумининг Раиси П. Ха- бибуллаев топширди. (ЎЗАТА).

МАТБУОТ—ҚАЙТА ҚУРИШ ҚУРОЛИ

Эрталаб соат ўн бўлмас- данок, дўкончаларнинг деяр- ли ҳаммасида, бугунги га- зетани харид қилиш амри маҳол бўлиб қолади. Рес- публика меҳнаткашларининг, барча аҳолисининг матбуот сўзига, радио эшиттирилари ва телевидение кўрсату- ларида қизиқиши кейинги вақтда сезиларли даражада ошди. Одамлар улардан бу- гун ҳаммага зарур бўлган ҳақиқат сўзини излаб топ- моқдалар, ўттири, етилган муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари тўғрисида рўй-рост гап юртимокдалар.

5 май кўни газеталар, телевидение, радиоэшитти- риш редакцияларининг хо- димлари ва уларнинг штат- сиз ёрдамчи активлари, по- литграфичилар, алоқа хо- димлари, Тошкент жамоат- чилигининг вакиллари Али- шер Навоий номи давлат Катта театрига келдилар. Бу ерда Матбуот кўнига ва Ра- дио кўнига, барча алоқа тар- моқлари ходимларининг бай-

рамига бағишланган тантана- ли йиғилиш бўлди. Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Са- тин доклади қилди.

Йиғилишда оммавий ах- борот воситалари КПСС XXVII съезди қарорларини пропаганда қилиш соҳасида аниқ масдиди қўлаб иш олиб бораётганликлари, улар йактимоий турмушимизнинг барча томонларини револю- ция тарзда янгилашда, ош- кораликни, демократия ва социал адолатни қарор топ- тиришда фаол қатнашаётган- ликлари қайд этиб ўтилди. Матбуот, телевидение ва радио ходимлари меҳнаткаш- ларни мамлакат социал-иқ- тисодий тараққиётини жа- даллаштириш борасида пар- тия белгиланган программа- ни изчиллик билан амалга оширишга, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси- ни муносиб кутиб олишга сафарбар этаётганликлари тўғрисида таъкирлар.

Матбуот ходимлари газет-

хонлар билан алоқаларини яна ҳам мустаҳкамлашлари, уларга барча қизиқтирувчи масалалар ҳусусида ўз ик- тисодиётини беришлари керак, деб таъкидлашди йиғилиш қатнашчилари. Газета ва журналларнинг саҳифалари мақолаларда ўртага қўйил- ган муаммоларнинг ўқтири- ланиши ва гоат муҳимлиги би- лангина эмас, балки поли- графия жиҳатидан безаш си- фати билан, телевидение кўрсатувлари ва радиоэши- тирилари эса ёрқинлиги, раволиги ва оригиналиги билан ҳам ўзига жалб эти- ши керак. Бу кўп жиҳатдан виждонан ишлаган боғлиқ- дир.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Ко- митетининг секретари М. Ҳ. Холмухамедов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова қатнашдилар. (ЎЗАТА).

«1986 — 1990 йилларда Тошкент ша- ҳар хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида юқори директив органлар ҳамда Тошкент шаҳар совети ижроия комитети қарорларининг бажарилиш ҳақида» Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг

ТЕЗИСЛАРИ

хўжалиги зонаси)ни ўз ичига олади. Мазкур зона шаҳарларининг ривожланиши текис олиб борилади. Учунчи зона — рағбатланти- рувчи ривожланиш зонаси бўлиб, у Ан- грен — Олмалиқ кичик системасини ўз ич- га олади. Биринчи зонани шаҳарсозлик жи- ҳатдан ривожлантириш вазифаларидан келиб чиқиб, унинг аҳолиси ўсиш суръатларини об- ластнинг бошқа икки зонаси шаҳарларининг ривожланишини рағбатлантириш йўли билан пасайтириш мўлжалланади, территорияни комплекс баҳолаш, ундан фойдаланиш са- мардорлигини ошириш асосида ягона функ- ционал зоналаш кўзда тутилди. Бош план техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш 1988 йилнинг учинчи кварталда якунланади. Ҳозир шаҳарни ривожлантиришнинг айрим кўрсаткичлари, олдиндан келишиб олинган кўрсаткичлар, олдиндан келишиб олинган план комитетиди кўриб чиқилмоқда. Бир йў- ла Тошкент шаҳри бош планини ва яшил ка- ринини ишлаб чиқиш борасидаги ишлар олиб борилапти. Бу ишларнинг ҳаммаси 1989 йилда тугатилиши лозим.

Социал инфраструктурага келганда эса шунини айтиш керакки, илгари ушбу масалалар қондиқили принципини бўйича ҳал этиларди. Эндиликда, ундан фаркли равишда, янги бош планининг техник-иқтисодий асосларини ланлаштириш ва лойҳалаштириш норматив принципини бўйича амалга оширилади. Мазкур принципининг моҳияти меҳнаткашлар ва улар- нинг оилалари ҳаёти ва фаолияти учун тўла- қонли моддий шарт-шароитларни таъминлаш- ни кўзда тутади. Шундан келиб чиқиб, жо- рий муддатга келиб, аҳоли барча тоифаси- нинг раёонал ахтёрларини тўла таъмин- ловчи социал инфраструктура кўрсаткичлари Социал ривожланиш программасини амалга оширишнинг дастлабки босқичида, энг аввало, даражасига эришиш вазифаси қўйилмоқда. соғлиқни сақлаш, оммавий физкультура, ўқи- қайта тинлаш комплексини қабир тармоқлари ривожлантириш, ана шу тармоқлар бўйича ахтёрлар 2000-йилга келиб қондириш тақлиф этилади. Аввалги ечулардан фарқли равишда янги техник-иқтисодий асосларга ва

Тошкент шаҳар бош плани лойиҳасида ин- фраструктура қувватларини фақат сон жиҳатдан ошириш эмас, уни сифат жиҳатдан қайта қу- риш, унинг функционал-типологик структураси ташкилий ланлаштирилишини ўзгартириш асос қилиб олинади. Бу фан-техника ҳамда социал тараққиёт ютуқларига асосланади.

Шаҳар марказий қисми қурилишининг бош плани мутахассислар ўртасида ҳам, айрим аҳоли ўртасида ҳам қарама-қарши фикрларга сабаб бўлмоқда. Эски бош планда «Пахта- кор» стадионидан Қорсуғача территорияда, Ўзбекистон ва Навоий кўчалари оралигида маъмурий бинолар, умумшаҳар аҳамиятига молик маданий муассасаларни қуриш, шу ер- да парк зонасини ташкил этиш кўзда тутил- ган эди. Шаҳар Совети ижроия комитети ша- ҳар марказини жонлантириш, бу ерда тўла қонли ҳаёт қўлғи ўриши, оқшомлари ўлик зонага айланмаслиги учун шу ерда турар жойлар қуриш ҳақида тақлиф киритди. Бу тақлиф мамлакатимиз йирик шаҳарлари ар- хитекторлари Советининг янгида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган кенгашида қўллаб-қув- ватланди. Бугун «Вечерний Ташкент» газети- си Москва шаҳрининг бош архитектори Л. В. Вавакин билан сўхбатда ана шу ҳақда хабар қилди.

Аммо ижроия комитетининг мазкур тақ- лифи ўз исзат-обурийини шаҳар аҳолиси ма- нафаатларидан юқори қўётган айрим архите- торларнинг қарши қаратилган дуч келмоқда. Шунинг учун ҳам шаҳар Совети ижроия ко- митети мазкур масала юзасидан аҳолининг тақлиф-мулоҳазаларини кутади.

Илгари бунёд этилган микроайонларни зичлаштириш масаласи ана қўндайлағ бўл- моқда. Ижроия комитети бу йўналишдаги ўз нуқтани-назарини тўғри деб ҳисоблайди. Ўз шахсий манфаатларидан келиб чиқиб, айса- рият аҳоли манфаатини ҳисобга олмаётган ай- рим граждандар бунга рози бўлишмапти. Уларни баъзан юқори директив органлар, ҳатто маҳаллий газеталар қўллаб-қувватла- япти. Ижроия комитет ушбу масала бўйича ҳам Тошкент шаҳри аҳолисининг тақлифла- рини кутади.

(Давоми 2-бетда).

Йигирманчи чақириқ Тошкент шаҳар Советининг бўлажак бешинчи сессиясига

1988 йил 27 майда бўладиган йигир- манчи чақириқ Тошкент шаҳар Советининг бешинчи сессияси муҳокамасига 1986—1990 йилларда Тошкент шаҳар хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари тўғриси- да юқори директив органлар ҳамда Тош- кент шаҳар Совети ижроия комитети қарорларининг бажарилиш ҳақидаги маса- ла киритилмоқда.

Мазкур масала улкан социал аҳамиятга эга. Бу борадаги қарорларнинг бажарили- ши таъминлашда биргина маҳаллий Со- ветлар ва уларнинг ижроия комитетлари- гина эмас, иттифоқ ва иттифоқ-республика тасарруфидagi министрликлар, идоралар, корхоналар, истиқомат жойлари бўйича аҳо- ли ҳам иштирок этмоқда. Бу кўп жи- ҳатдан шаҳарни иқтисодий ва социал ри- вожлантириш планларининг бажарилишига,

шаҳар аҳолиси фаровонлигининг ошишига хизмат қилмоқда.

Шу муносабат билан ижроия комитети яхши анъана бўйича Тошкент шаҳар Со- ветининг бешинчи сессиясига ўз теъдилари- ни эълон қилиб, шаҳар аҳолиси билан мас- лахатлашишга қарор қилди. Ижроия ко- митети белгиланган барча тадбирларни амалга ошириш юзасидан уларнинг макту- блари ва тақлифларини кутади.

Барча тақлифлар махсус ташкил этил- ган комиссия томонидан ўрганиб чиқилади, уларнинг энг қимматлилари шаҳар Совети- нинг депутатлари эътиборига етказилади, ҳамда «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталари саҳифаларида эълон қилинади.

Шундай қилиб, меҳнат коллективлари- дан, мутахассислардан, айрим граждандар- дан мактуб ва тақлифларни кутамиз.

Дастлабки маълумотларга қараганда, ша- ҳар аҳолисининг сони шу йилнинг бошларида 2216 минг кишини, 1985 йилга нисбатан ўсиш 6,1 процентини ташкил этди. Шунини қайд этиш лозимки, меҳнатик ва табиий ўсиш йилига 50—55 минг киши даражасида қолапти, бун- дан ташқари аҳоли сони Тошкент обастининг районлари қўшилиши ҳисобига 37 минг ки- шига қўпайди. Иқтисодий ва социал ривож- ланиш планларини ишлаб чиқишда, айниқ- са, социал соҳа лойиҳаларини ишлаб чиқиш- да аҳолини таъминлашнинг мавжуд норма- ларига имкони борица яқинлашши мақсади- да аҳоли сонининг ўсиш суръатлари эъти- борга олинмоқда. Сўнгги йилларда аҳолини социал соҳа хизматлари билан таъминлаш- да ижобий силжилар кузатишмоқда, бу бора- да ўсиш бор. Масалан, 1985 йилда аҳоли жон бошига ўртача 12,8 квадрат метр умумий майдон тўғрисида бўлса, 1987 йилда бу кўрсаткич 13,2 квадрат метрни ташкил этди. Ҳар минг аҳолига умумий таълим мактаб- ларида 136 ўрин тўғрисида бўлса, 1987 йилга келиб, мазкур ўринлар сони 142 тага етди. Ҳар минг аҳолига чакана савдо тармоқ- лари корхоналарининг савдо майдони 1985 йили 118 квадрат метрдан 125 квадрат метрга қўпайди. 1985 йили ҳар бир тошкент- ликка 141 сумлик пулли хизмат, шу жумла- дан 42 сумлик маънавий хизмат кўрсатилган бўлса, 1987 йилга келиб, бу кўрсаткичлар 166 ва 46 суми ташкил этди. Бу дмак, ик- ки йил ичида ўсиш 14,5 ва 12,2 процентини ташкил этган. Бу аҳоли сонининг ўсиш дара- жасидан икки баравардан зиёдордир.

Аҳолининг ҳаёт ва фаолиятини таъминлаш билан бевосита боғлиқ социал соҳани ривож- лантиришга муҳим эътибор берилмоқда. Иқ- тисодий ва социал ривожланиш планлари, Тошкент шаҳар хўжалигини 1986—1990 йил- ларда янада ривожлантириш тадбирлари ана шу мақсадга қаратилган. Бу планлар амалий ишларда ўз ифодасини топтомоқда. Мазкур ма- салалар Тошкент шаҳарнинг 2010 йилгача мўлжалланган янги бош планининг техник-иқ- тисодий асосларини ишлаб чиқишда ҳам ўз ифодасини топтиган. Мазкур план директив ор- ганларнинг қарорларига мувофиқ

Умуман қуввати 720 гигакалория-саватга тенг «Янги Чиланзор» ва «Шимол-Гарбий» иссиқлик манбалари ишга туширилди, 18,6 километр узунлидаги янги магистраль иссиқ- лик тармоқлари, 42 километр узунлидаги кварталлараро иссиқлик тармоқлари қу- рилди, 220 километр узунлидаги квартал- лараро ва 24,5 километр узунлидаги магис- траль иссиқлик тармоқлари реконструкция қилинди, путири кетган жойлари янгиланди. Буларнинг ҳаммаси Тошкент шаҳарнинг ис- сиқлик билан пухта таъминланишига хиз- мат қилди.

Ун иккинчи беш йилликнинг охирига келиб биз аҳолини хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари ва ташкилотлари хизмати билан таъминлашда янада юқори даражага эришишимиз лозим. Шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комитети қабул қилган қарорлар ва чора-тадбирлар ана шунга қаратилган. Мазкур масалаларда белгиланган топириқлар ҳар йили Тошкент шаҳрини иқтисодий ва социал ривожлантириш планларида ўз ифодасини топади. Улар мулкдорларнинг муштанини охирига келиб, ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки уй билан таъминлаш юзасидан КПСС XXVII съезди олдинга қўйган вазифани бажаришга қаратилган шаҳар Советининг IV сессияси тасдиқлаган 2000-йилгача мулкдорларнинг комплекс уй-жой программасида ўз ифодасини топти. Ҳозир уй-жой программасини амалга ошириш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқиладиган. Шаҳар Совети ижроия комитети аввалги сессиянинг эълон қилинган материалларида, 1986—2000 йиллар мобайнида шаҳарда хизмат кўрсатиш объектлари билан комплекс равишда 23,2 миллион квадрат метр уй-жой қурилаётгани аҳолига хабар қилган эди. Олдинга қўйилган вазифани бажариш учун маҳаллий Советларнинг маблағларидан ташқари хўжалик қоритишнинг янги шароитларида ишлаётган қорхона ва ташкилотлар, уй-жой қуриш кооперативлари ва аҳолининг маблағларидан фойдаланиш керак бўлади. Асосий пудратчи «Главташкентстрой»дан ташқари ана шу мақсадларга иттифоқ тасарруфиданги министрликлар, идоралар, корхоналарнинг қурилиш ва ремонт-қурилиш ташкилотларини сафарбар этиш, бошқача қилиб айтганда уй-жойларнинг хўжалик усули билан қурилишини кенг қўллаш лозим. Бу йўналишда муайян ишлар олиб бориладиган. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва шаҳар Совети ижроия комитети 1987 йилнинг октябрида қабул қилган қарорларида хўжалик усули билан уй-жойлар қурилиши бўйича 1986—1990 йиллар учун топириқларни белгиланган. Улар жами 691,4 минг квадрат метр уй-жойларни бунёд этишлари, шу жумладан «Ташмистройд» 11 минг квадрат метр, «Алгоритм» заводи 16,2 минг квадрат метр, авиация ишлаб чиқариш бирилмаси 40,8 минг квадрат метр, Биноқорлик материаллари саноати министрлиги 14,2 минг квадрат метр, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети 51,6 минг квадрат метр турар жой бунёд этишлари лозим. Қўлгина министрликлар, идоралар, корхоналар 1987 йилга белгиланган топириқларни муваффақиятли адо этишлари. Уй-жой-коммунал хўжалиги, савдо, қурилиш министрликлари шулар жумласидандир. Шу билан бирга айрим министрликлар ва идоралар белгиланган топириқнинг бажарилишини таъминлашлари. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирилмаси (3,5 минг квадрат метр), «Госкомводстрой» (7,4 минг квадрат метр) ва бошқалар қўлоқликка йўл қўйилди. Йўл қўйилган қўлоқликлар ҳисобга олиниб 1988 йил пани ва 1989 йил панининг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Уларда турт йил якунири бўйича беш йиллик панида белгиланган топириқларнинг бажарилиши, айрим министрликлар ва идораларнинг ҳатто ошириб бажариши кўзда тутилган. Архитектура-планлаштириш бош бошқармаси (А. А. Умаров), «Ташгипрогор» институт (Т. В. Шахсувария), Капитал қурилиш бош бошқармаси (М. Н. Абдуллаев), Комплекс қурилиш координациялаш ва қурилиш учун майдонлар тайёрлаш бошқармаси (О. Д. Орманов), уй-жойларни ҳисобга олиш, тақсими ҳақида хусусий турар жойларни назорат қилиш бошқармаси (Е. Я. Михайленко), халқ депутатлари район Советларининг ижроия комитетлари уй-жойларни бунёд этиш вақтида вужудга келувчи барча масалаларни тежорлик билан ҳал этишда нурувчиларга доимий ёрдам беришлари, бу борадаги илгор ташаббусларни қўллаб-қувватлашлари лозим.

Шаҳар Совети ижроия комитети шаҳарда яқна тартибда уй-жойлар қурилишига рухсат олди. Ижроия комитетининг шаҳарда яқна тартибда уй-жойлар қурилишини ривожлантириш тўғрисида қарори тайёрланди. Унда Архитектура-планлаштириш бош бошқармасига манзарали бодгорилик совхозидан, Қорасувдан, «Ленин йўли» колхозидан ажратилган ерларда яқна тартибда уй-жой микрорайонлари қуриш тартибини белгилан топириқларини. Яқна тартибда қуриладиган янги микрорайонларда инженерлик тармоқлари ва социал-маданий-маиший объектларни лойиҳалаштириш ва қурилиш бўйича бюротмачи этиб капитал қурилиш бош бошқармаси таъинланди. Жами ўн иккинчи беш йилликнинг охирига қадар уй-жойлар қурилиш учун 6 минг ер участкаси ажратилди, ана шу майдонларда бунёд этиладиган уй-жойларнинг умумий сатҳи 600—700 минг квадрат метрнинг тақсиди эди.

Жами ўн иккинчи беш йилликда 6,6 миллион квадрат метр ҳақида уй-жойлар фойдаланишга топириқлишини таъминлаш лозим. Икки йил мобайнида 2 миллион квадрат метр уй-жой ишта туширилди. 1988 йил панида 1,2 миллион квадрат метр, 1989 йил пани лойиҳасида 1,3 миллион квадрат метр уй-жойларни фойдаланишга топириш кўзда тутилган. Шундай қилиб, уй-жойларни ишта тушириш бўйича белгиланган топириқларни бажариш учун дастлабки маълумотларга нарағида, 1990 йилда умумий майдони 2,1 миллион квадрат метрга тенг турар жойларни фойдаланишга топириш лозим.

Шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари К. Н. Тўлаганов, шаҳар план - унис-

сийсининг раиси Қ. А. Солиҳов, «Главташкентстрой» бошлиғи К. П. Дудин 1990 йилда қурилиш қўламини нисбатан камайтириш ва беш йиллик панида белгиланган ҳақида 6,6 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топириқлишини таъминлаш мақсадида 1989 йил пани лойиҳасида уй-жойлар қурилиш суръатини ошириш юзасидан қурилиш ташкилотларининг имкониятларини яна бир бор қўриб чиқишлари лозим.

Тошкент шаҳрида комплекс уй-жой қурилиш учун Тошкент областида ер ажратишга доир ҳал этилмаган масалалар ҳам бор. Ўзингизга маълум, қарорга мувофиқ ўн иккинчи беш йилликда шаҳар областан 1500 гектар ер олиниш керак эди. Аслида 1986—1987 йилларда атиги 428 гектар ер олинди. Бу йилги панини амалга ошириш учун 307 гектар, 1989 йил пани учун 277 гектар ер керак бўлади. Тошкент область ижроия комитети шу вақтга қадар «Ўзгариш» ёрдамчи хўжалигидан 53 гектар ер ажратиб масаласини ҳал этгани йўқ. Бу ҳозир 1988 йил уй-жой қурилиш панининг бажарилишига тўғридан тўғридан бўлиб турибди. Мазкур масалалар худди билан ҳал этилиши, уй-жой қурилиш программасининг бажарилишига тўқинилик қилмаслиги керак. Капитал қурилиш бош бошқармаси, Шаҳар комплекс қурилишнинг координациялаш ва қурилишлар учун майдонлар тайёрлаш бошқармаси, ижроия комитети раисининг ўринбосари К. Н. Тўлаганов Тошкент область ижроия комитети билан мазкур масалаларни ҳал этишда янада қатъият-лироқ ҳаракат қилишлари лозим.

Ўзбекистон ССР Давлат план комитети ва Ўзбекистон ССР Госсанаб қурилатган объектларни контроль кабели, «Лисья» электр плиталари, лифтар каби материаллар ва жиҳозлар билан комплекслаш масалаларини ҳал этишмапти. 1988 йилда уй-жойларни ишта тушириш учун 475 та лифт керак бўлади, ваҳоланки атиги 297 лифт ажратилган, холос. 50 комплект ГКТП ҳам этишмапти. Бу йил ишта тушириладиган объектларни электр ускуналар, насослар, вентиляторлар ва бошқа моддий ресурслар билан комплекслан бора-сида ҳам аҳвол худди шундай. Республика Госплани ва Госсанаб мазкур масалаларни ижобий ҳал этмас экан шаҳарда уй-жойларни фойдаланишга топириш панининг бажарилиши амри маҳол.

Шаҳар ерларидан янада самаралироқ фойдаланиш каби муҳим масала ҳам ҳал этилишини кутмоқда. Бугунги кунда уй-жой териториялари қурилишининг ўртача зичлиги ҳар гектарга хизмат кўрсатиш комплекслари билан бирга 3800 квадрат метр уй-жойни тақсиди эди. Бу ерни тежамли сарфлаш бора-сидаги энг паст кўрсаткичлар ваҳоланки уларнинг танархис аниқгина юқори. Зичлиги тектари-га 5 минг квадрат метрга оқиниш лозим. 1990 йилгача бош панида кўзда тутилгандек экология жиҳатдан зарарли қорхона ва цехларини, шаҳар хизматлари базалирига тасвир ўтказмайдиган оморхона, фазалярига шаҳардан ташқарига энг саноат зоналарига кўчирини таъминлашлари керак. Шу йўл билан ҳам комплекс уй-жой қурилиш учун муайян майдонларни бушатини мумкин бўлади.

Юқорида таъкидланганлардек, қабул қилинган қарорларнинг бош йўналиши социал муаммолар ҳал этилишини жадаллаштиришга қаратилган. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетиде республика раҳбар ходимлари ҳузурида сўзлаган нутқида фойдаланилмаётган резервлар ва имкониятларни, уларни ишта солиш йўлларини кўрсатиб ўтди. Унинг нутқида мактабга бошқармаси муассасалари этишма-ётганлиги, улар ниҳоятда суст суръатлар билан бунёд этилаётганлиги эътибор қарати-лиди. Жумладан, у шундай деди: «Ишни шундай уюштириш керакки, ҳар бир қорхона, ҳар бир совхоз ва колхоз, ҳар бир қурилиш ташкилоти ана шу муҳим ишдан четда турмасин. Бошқарма боғчалари муаммосини ҳал этишга бутун республикани сафарбар қилиш керак. Бу инсоний масаладир! Бу республи-кангиз учун кечиктириб бўлмайдиган, нуфузли вазирадир».

Бу талаб тўла-тўқис Тошкент шаҳрига ҳам алоқадордир. Мактабга бошқармаси муассасаларини қуриш пани бажарилаётганига қарамай, аҳолининг ана шу муассасалар хизмати билан таъминланганлиги шаҳар бўйича 72 проценти, Акмал Икромов райони бўйича 63 проценти, Собир Раҳимов райони бўйича 64 проценти, Октябрь райони бўйича 50 процентида камроқни тақсиди эди. Фарзандларини мактабга бошқармаси муассасалари-га жойлаштириш учун шаҳар бўйича қарийб 14 минг киши, шу жумладан Собир Раҳимов районида 3,6 минг, Киров районида 3,1 минг, Акмал Икромов районида 1,3 минг киши навабдта турибди. Шаҳарда 640 мактабга бошқармаси муассасалари бўлиб, уларнинг 23 проценти мослаштирилган биноларда жойлашган.

1986—1990 йиллар мобайнида маҳаллий Советларнинг маблағлари, хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи молиявий таъминлаш шариоти-да ишлаётган қорхона ва ташкилотларнинг пай қўшиб иштирок этиши ва маблағлари авази-га 24,5 минг ўринли бошқармаси муассасалари қурилиши лозим. 1989 йилда ана шундай муассасаларни қуриш пани лойиҳасини ҳисобга олганда шаҳар турт йиллик якунири бўйича беш йиллик топириқлардан ўзиб кетди. Аммо бу аҳолининг мактабга бошқармаси муассасалари билан таъминланганлиги муаммосини тўла ҳал этмапти. Шу муносабат билан шаҳар план комиссияси Архитектура-планлаштириш бош бошқармаси, Капитал қурилиш бош бошқармаси, район ижроия комитетлари билан биргаликда ана шу масалаларни яна бир бор ишлаб чиқишлари, бошқар-

боғчаларини бунёд этиш суръатларини оши-риш йўллари ва имкониятларини топишлари лозим. Мазкур социал муаммони жадал ҳал этиш учун В. П. Чкалов номидан Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирилмаси, трактор заводи, «Алгоритм», «Ташсельмаш», «Таш-текстильмаш» заводлари, тўқимачилик ком-бинати каби йирик қорхоналарнинг куч ва маблағларини сафарбар этиш керак.

Бундан турт йил муқаддам бошланган умум-таълим ва ҳунар мактабини ишлоқ қилиш мактаб ва ҳунар-техника билим юртларининг моддий-техника базасини бир мунча мустаҳкамлаш, ўқувчиларга билим бериш савиясини кўтариш имконини берди. Шу беш йилликнинг фақат икки йили мобайнида шаҳарда қарийб 24 минг ўқувчи билим оладиган умумтаълим мактаб-лари қурилди, жами беш йилликда эса 61,2 минг ўринли мактаб бинолари қурилиши ке-рак. Мактабларни фойдаланишга топириш панилари мунтазам бажарилапти, аммо аҳолининг мактаблар билан таъминлаш масаласи тўла ҳал этилмапти. Ваҳоланки, шаҳардаги аҳвол умуман республикадаги аҳволдан бир мунча яхшироқдир. Жами мактаблар-нинг 96 проценти типовой иморатларда жой-лашган. Шунга қарамай мактабларнинг 70 процентида машғулотлар икки сменада таш-кил этилган.

КПСС Марказий Комитетининг февраль (1988 йил) Пленуми 2000-йилга келиб бир сменали машғулотларга ўтиш вазифасини олдинга қўйди. Ана шу вазифани бажариш учун ҳисоб-китобларга кўра шаҳарда 215 минг ўринли мактаблар қурилиши лозим. Бу ўтган йилларнинг шу даврига нисбатан бир ярим баравар кўп. Мазкур муаммо янги типовой мактаб бинолари қурилиши, мавжуд мактаб биноларига қўшимча иморатлар қурилиши ҳисобига ҳал этилади.

Мактаб ва мактабга бошқармаси муассасаларини қуриш паниларини шакллантиришда аҳолини раёонлар бўйича текис таъминлашга асосий эътибор қаратилиши керак. Мазкур масалаларни шаҳар план комиссияси «Архи-тектура-планлаштириш бош бошқармаси, Халқ маорифи бош бошқармаси, Капитал қурилиш бош бошқармаси, район ижроия ко-митетлари билан биргаликда янада сиңчиқлаб ишлаб, чиқишлари лозим.

Шаҳарда медицина хизмати кўрсатиш ма-салалари кескин бўлиб турибди. Шаҳарда 33 мингдан зиёд ўринли касалхоналар бор, ҳар ўн минг аҳолига 155 ўрин тўғри келади. Бу кўрсаткич чанки эмасдек туюлади. Аммо касалхоналардаги бир ўринга тўғри келадиган майдон ҳисобга олинганда бўлса бу кўрсат-кич 50 процентдан оқинмапти. Вужудга кел-ган аҳолини, касалхона ва поликлиникалар қурилишдаги қўлоқлини ҳисобга олиб, шаҳар Совети ижроия комитети имкони борича кам маблағ сарфлаб, тегишли равишда ре-конструкция қилингандан сўнг қатор маъ-мурий биноларни даволаш-профилактика му-ассасалари тақсиди этиш учун топириш ҳа-қида қарор қабул қилди. 1986—1987 йиллар ва 1988 йилнинг биринчи квартали мобайни-да Соғлиқни сақлаш бош бошқармасига 30 дан зиёд ана шундай бинолар топиришди, уларда 710 ўринли касалхоналар, бир смена-да 5190 беморни қабул қилувчи поликлиника-лар жойлашди. Жумладан «Главташкент-строй»нинг собиқ маъмурий биносига бирил-лаш 7-бўлагарга қўрилган. Беуюний қўчаси-даги 6-қўлаштириш трести биносининг биринчи ва иккинчи қаватларида 4-бўлагар поликлиника-си, Халқлар дўстлиги қўчасидаги 5-турар жой биносига туташ қурилган иморатда 22-поли-линиканинг филиали очилди.

Шаҳар Совети ижроия комитети биноларни мослаштириш ҳисобинида соғлиқни сақлаш муаммоларини ҳал этиб бўлмаслигини айтиш билади. Ижроия комитети раисининг ўринбо-сари К. Н. Тўлаганов, шаҳар план комиссияси (Қ. А. Солиҳов), Капитал қурилиш бош бош-қармаси (М. Н. Абдуллаев), Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси (В. П. Русинов), «Главташ-кентстрой» (К. П. Дудин) соғлиқни сақлаш объектларига ниҳоят ўз муносабатларини ўз-гарттиришлари, ваъда беришдан амалий ишта ўтишлари, касалхона ва поликлиникалар қу-рилиш паниларининг бажарилишини таъмин-лашлари, беш йилликнинг қолган икки йили давомиди ана шу хилдаги объектларни ишта туширишда йўл қўйилган камчиликлари тўл-диришлари лозим. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги 140 ўринли психоневро-логия диспансери, 200 ўринли тери-венеро-ли касалликлари диспансери қуриш масаласи-рини ҳал этиши, 1990 йилда минг ўринли тез медицина ёрдами касалхонасининг фойдала-нишга топириқлишини таъминлаш лозим.

Бугунги кунда аҳолиси соғлиқни сақлаш объектлари билан энг кам таъминланган рай-онларга Акмал Икромов, Ҳамза, Фрунзе) алоҳида эътибор берилиши керак. 500 дан зиёд ишчи-хизматчиси бўлган ҳар бир қорхо-нанинг ўз профиляторийси, медицина пунк-ти бўлиши зарур. Буни фақат меҳнат коллек-тивларининг иштироки билан амалга ошириш мумкин.

Бунда халқ депутатлари район Советлари-нинг ижроия комитетлари, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ташаббуз кўрсатиб чиқиш-лари керак. «Саломатлик» программасининг меъёрга етказилишида мазкур масалалар ўз ижобий ечимини топиши лозим.

Шаҳар Советининг аввалги сессияларига таёйяргилик ва уларни ўтказиш вақтида иж-роия комитети меҳнаткашлардан аҳолига сав-до ва маиший хизмат кўрсатишга доир қўп-гина хат ва тақлифларни олди. Қабул қили-наётган қарорларни амалга ошириш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирларда ўн иккин-чи беш йилликда умумий майдони 93 минг квадрат метрга тенг савдо қорхоналари қури-

ТЕЗИСЛАРИ

лиши кўзда тутилган. Белгиланган топириқ-лар умуман бажарилипти, аммо биз ҳали ҳам турар жой массивларининг савдо қорхоналари билан комплекс равишда қурилишига эриша олганимиз йўқ. Мисол учун «Галабининг 40 йиллиги» массинини олайлик. Мазкур массив ҳақида ижроия комитетининг мажлисларида, сессия ва кенгашларда қайта ва қайта тапи-рилди, аммо аҳвол ўнгланаётгани йўқ. Ўзбе-кистон ССР Олий Советининг депутати Шкананиннинг аралашуви ҳам ёрдам берма-ди. Мазкур массивда ҳозир қарийб 22 минг аҳоли истиқомат қилишига қарамай савдо объектлари йўқ, ваҳоланки массив қурилиши лойиҳасида улар кўзда тутилган эди. 1989 йилги план лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳам массивда жамоат-савдо маркази қурилиши кўзда тутилган эди, лекин неғадир шаҳар план комиссияси (Қ. А. Солиҳов) кейинча-лик номмаълум сабаблар билан мазкур об-ектни пландан чиқариб ташлабди. Шаҳар Со-вети ижроия комитетининг раиси аралашган-дан кейингина адолат тикланди, объект 1989 йил панига киритилди.

Маиший хизмат кўрсатиш бўйича ҳам ша-ҳар сўнгги йиллардан бирини эгалайди. Ва-ҳоланки хизмат кўрсатиш ҳажминини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун улкан им-кониятлар ва резервлар мавжуд. Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ми-нистрлиги маиший хизмат уйи қурилиши, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети (Э. А. Раҳимов) ҳар бири 110 ўринли учта ҳаммом қурилиш масалаларини ҳал этиш-мапти. Талай вақт бой берилди, ваҳоланки лойиҳасида 1989 ва 1990 йиллар панини таъминлашда ўз ечимини топиши лозим эди.

Бажарилиши шаҳар Советининг навбат-даги сессияси қўриб чиқиши учун ҳавола эти-лаётган қарорга мувофиқ шу беш йилликда 33 километр янги йўллар, 5 кўприк, 3 ўтиш йўли ва пидеаларнинг 11 ер ости ўтиш йўли, 90 километр узунлиқдаги ирригация тармоқ-лари, рўзгор чикиндиларини қайта ишлаш заводи қурилиши кўзда тутилган. Икки йил мобайнида атиги 2,7 километр узунлиқдаги янги йўллар қурилади холос. Бу беш йиллик-ка белгиланган топириқнинг 8 процентдан зиёдрогини тақсиди эди. Бу турар жой мас-сивларини сув ва канализация, автомобиль ва электр транспорт билан таъминлашда му-қулликлар келтириб чиқармоқда. Бугунги кун-да йўллар шаҳарнинг комплекс қурилишини таъминлашда ўзига хос тўғаноқ бўлиб қолди. Вужудга келган вазиятнинг сабабларидан би-ри капитал маблағларнинг қўлсони оқиниш-да шартини оқинишга сўйиб юборилишидир. Натижада Ободоллаштириш бош бошқармаси (С. А. Гринченко), шаҳар план комиссияси (Қ. А. Солиҳов), Архитектура-планлаштириш бош бошқармаси (А. А. Умаров), «ТашНИИПИ-генплан» институти (Л. Т. Адамов) айби билан тугалланмаган қурилишлар ҳажми камаймап-ти.

Сўнгги йилларда коммунал тармоқ обьект-лари қурилишига ажратилаётган капитал маб-лағлар ҳажмининг камайиши кузатиляпти. Ваҳоланки, маҳаллий Советлар системасида бу тармоқ уй-жойлар қурилишдан сўнг етак-чи ўринда туради. Уй-жойлар учун капитал маблағлар ҳажмидан мазкур тармоққа ажра-тилувчи маблағлар салмоғи Ўзбекистон ССР Давлат план комитети томонидан мунтазам қисқариштириб келинди. Агар 70-йилларда бу кўрсаткич 35—40 процент даражасида бўлса, ҳозир у 18—20 процентга камайитрилган. Ижроия комитети йил сайин ана шу маса-лаларни республика Давлат план комитети олдинга қўйяпти, аммо улар ижобий ҳал эти-лаётгани йўқ. Шунинг учун маҳаллий бюджет маблағларини, тартибга кўра режалаштирила-ётган йил бошланишига қадар планлари тар-киб топган пудратчиларни ишлашга тўғри ке-лади, маҳаллий ва республика бюджетте маб-лағлар эса биринчи кварталнинг охиридаги ажратилди.

Метрополитенининг «Тошкент» станцияси-дан «Чалов» станциясигача бўлган ана бир яниясини ишта тушириладиган сўнг аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш бирмунча яхши-ланди. Аммо бу транспорт муаммосини ҳал этгани йўқ. Ўн иккинчи беш йилликда шаҳар Совети ижроия комитетининг кучи билан 93 километр узунлиқдаги янги троллейбус ли-нийлари, 29 километр узунлиқдаги трамвай линийлари, 25 тортиш подстанциялари ва 150 машинага мулкдорланган троллейбус депо-си қурилиши лозим. Ўтган икки йил мобайни-да атиги 6 километр узунлиқдаги троллейбус ли-ниясини ва учта тортиш подстанцияси фойдала-нишга топириқлиди холос. Бу беш йиллик топириқнинг 6,4 ва 12 проценти тақсиди эди. Бундай қўлоқликка фақат йўлларнинг йўқлиги учун эмас, трамвай ва троллейбус линийлари трансасини шаҳар транспортини ривожлантиришнинг ишлаб чиқилган програм-масига мувофиқ ўз вақтида ўзгартиролмаган, лойиҳа-смета ҳужжатларини таёйяраб, шаҳар учун зарур объектлар қурилишини таъмин-ламаган трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси (Парфенов, Шокиров), «Таш-НИИПИгенплан» (Л. Т. Адамов), шаҳар план комиссияси (Қ. А. Солиҳов) раҳбарларининг мазкур ишта масъулиятсизларча муносаба-ти тўғрисида йўл қўйилди. Ҳозир олдинда турган вазифа куч ва маблағларни сафарбар этиб, йўл қўйилган камчиликларга беш йилликнинг сўнгги икки йилида барҳам беришдан иборат-дир. Ижроия комитети раисининг ўринбосари М. М. Алиев планларнинг тузилиши устидан, уларнинг бажарилиши устидан назоратини ку-чайтириш лозим.

Водопровод-канализация хўжалигини ри-вожлантириш бора-сида ҳам қўлоқлик мавжуд. Бу «Водоканал» трести (З. Т. Солиҳова), Комплекс қурилишнинг координациялаш ва қу-рилишлар учун майдонлар тайёрлаш бошқар-маси (О. Д. Орманов)нинг мазкур объектлар бунёд этиладиган трансасидан турган жойлар бў-

зилишини ўз вақтида таъминламаганликлари, шаҳар план комиссияси ана шу мақсадлар учун капитал маблағлар ва пудрат ишлари учун лимитлар масаласини республика Давлат план комитетиде ҳал эти олмаганлиги нати-жасидир. Қарорда белгиланган водопровод ва канализация қувватларини ошириб бориш, уларнинг тармоғини кенгайтириш програм-масини бажариш учун шаҳарда барча имкони-ятлар мавжуд. Ижроия комитети раисининг ўринбосари Л. А. Костин мазкур масалаларни қатъий назорат остига олиши лозим.

Шаҳарда иссиқлик манбаларининг қуввати-ни ошириш, магистраль ва кварталларга ис-сиқлик тармоқлари қурилиши ва реконструк-цияси бўйича муайян ишлар амалга оширил-ди. Шу билан бирга Ўзбекистон ССР Энер-гетика ва электрлаштириш министрлигининг Тошкент ГРЭСини теплофикация режимига ўтказиш муддатларини барбод этаётганлиги, Сергели районидеги янги массивларни иссиқ-лик билан таъминлаш масалалари ҳақон ҳал этилаётганлиги ташвишлантиради. Министр-лик шаҳар истеъмолчиларини энергия билан таъминлаш масалаларини тўла ҳажмида ҳал этмапти. Бугунги кунда шаҳарда шундай му-раккаб вазият вужудга келгани, энергия хў-жалигини ривожлантиришдаги қўлоқлик тур-файли ишлаб чиқариш объекти энг янги ту-рар жой массивининг ҳар қандай улаиши шаҳарнинг истаган районига муаммога ай-ланиши мумкин. Электр тармоқларига нағруз-ка қўйиб кетганлиги, подстанцияларда қу-ватларнинг йўқлиги тўғрисида Тошкент элек-тр тармоқлари қорхонаси (Засев) арази-маган қувват резерви бўлган барча ишлаб турган подстанцияларга улаиш учун техник қўлланмалар бермоқда. Айни вақтда Ўзбекис-тон ССР Энергетика ва электрлаштириш ми-нистрлиги «Навоий» подстанцияси ва унинг 220 киловольтли кабель линияси киши туши-рилишини номмаълум муддатга кўчиряпти. Ваҳоланки улар қарорга кўра 1989 йилда иш-га туширилиши лозим. 1989 йил пани лойи-ҳасига «Спутник» подстанцияси киритилляпти, «Олмалик—Кўйлик» линияси туташувчи 220 киловольтли қувватли электр узатиш линияси эса кечиктирилган. Министрлик бунди Чир-чик дарёси жойлашган қурилиш участкасида-ги мушкулликлар билан изохламоқда.


Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаш-тириш министрлиги иссиқлик ва энергетика таъминотида доир қарорларни тўла ҳажмида бажариш, шаҳардаги барча истеъмолчиларга нормал хизмат кўрсатилишини таъминлаш учун барча техник ва бошқа масалаларни ҳал этиши лозим.

Ун иккинчи беш йилликка белгиланган қу-рилиш программаси «Главташкентстрой» ўз ишлаб чиқариш-техника базасини ривожлан-тириш бўйича топириқларни бажарган тақ-дирдагина тўла ҳал этилиши мумкин. Қарор-га биноан шаҳарда қурилиш ташкилотлари-нинг янги қувватларини тақсиди этиш кўзда тутилган. 1987 йилда ҳар йили 160 минг квадрат метр уй-жой ишлаб чиқарадиган янги йирик панелли уйсозлик заводи қурилиши тугалланиши керак эди. 1989 йилда Монолит уйсозликнинг базаси вужудга келтирилиши керак. Бундан ташқари СССР Давлат план комитети ҳар йили 320 минг квадрат метр уй-жой ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган яна бир уйсозлик комбинати қурилишини қў-шимча равишда келишиб олди.

«Главташкентстрой»га ўз ишлаб чиқариш-техника базасини ривожлантириш масаласи-да катта ёрдам берилди. Очгини айтиш керак, бу ёрдамдан самарали фойдаланила-гани йўқ. Янги қурилишларнинг қурилиши ва ишта туширилиши чўзиб юборилляпти, ма-вжуд уйсозлик комбинатларининг қувватлари-дан қўлгилангидек фойдаланилмапти.

«Главташкентстрой»га ўз ишлаб чиқариш базаси объектларининг қурилиш суръатлари-ни жадаллаштириш лозим. Бу борада бош бошқармага район Советларининг ижроия ко-митетлари ёрдам беришлари, айниқса қури-лиш трестларига қурувчи яхтисолинига эга бўлган малакали ишчи-кадрларни йўллаш бо-расида ёрдам беришлари керак.

Уй-жой майдонларини ҳисобга олиш, тақ-симилаш ҳақида хусусий турар жойлар усти-дан назорат бошқармаси (Е. Я. Михайленко) фойдаланишга топириқлаётган уй-жойларнинг 10 проценти микдорига «Главта



Ҳар қандай корхонада меҳнат устозлар, мураббийлар билан барақали бўлади. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи ҳам ўзининг ана шундай ажойиб кишилари билан фахрланади. Улардан бири механикни йиғув цехида уста фрезерчи бўлиб иш-

ётган Николай Иванович Вязовидир. У доимо шогирдлари билан ечимлаган муаммоларни ҳал қилади, ёшларга меҳрибонлик кўзи билан қаради.

СУРАТДА: фрезерчи Н. И. Вязов.

Р. Шарипов фотоси.

Навбат қачон келаркин?

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг сайёр редакциялари Ҳамза районида бўлиб, меҳнаткашлар билан учрашувда бизнинг кватирасида сарсон бўлиб қолаётганлиги ҳақида шикоят қилган эдик. Район Совети ижроия қўмитидагилар, тез кунда кўриб чиқамиз, деб ваъда беришганди. Лекин шу кунгача аниқ жавоб ололмадик.

К. ЮНУСОВА,
Слоним кўчаси, 7-уй, 63-квартира.

В. БЕВЗ,

халқ депутатлари Ҳамза район Совети ижроия қўмитаси раиси.

Уй-жой қўнулари Кодексида биноан турар жой шартини яхшилашга муҳтож бўлган кишилар 1984 йилдан бошлаб яшаш жойи бўйича навбатда турадиган бўлганлар. Бу вақтгача иш жойи бўйича рўйхатга турардилар. Сиз ҳам ижрокомнинг 385/21-қарори билан 21. II. 86 йилда яшаш жойини бўйича 496-номер билан рўйхатга олингансиз. 01.01.87 йилда келиб навбатингиз 460-номерага. 01.01.88 йилда келиб эса навбатингиз 438 га тушган. Турар жой майдони қўнунга биноан навбат бўйича берилади.

Уй олишим мумкинми?

Урта Чирчиқ районидан Сергелига— қизилмаққа кўчиб келдик. Кватирамиз икки хонали, 29,5 квадрат метр. Тўрт киши яшаймиз. Районкомга мурожаат қилсам, сизин навбатга қўймаймиз, дейишпти. Хўш, менинг бунга ҳақим йўқми!

Ф. ВАСЮКОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

Е. МИХАЙЛЕНКО,

шаҳар уй-жойларини ҳисобга олиш ва тақсимлаш ҳамда хусусий турар жойларини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи.

— Аниқлашмизча, Ф. П. Васюков махсус конструктор-технология бюросида қорувул бўлиб ишлар ва у ерда уй олиш учун навбатда турмас экан. Арзизчи хотин билан ўзига алоҳида квартира сурайти. Аммо биздаги мажбурий қонун-қоидага биноан уй-жой шартини яхшилашга муҳтож бўлган кишилар Тошкент шаҳрида доимий яшайдиган ва намида беш йил пропискада бўлишлари керак.

Гражданин Ф. Васюков бўлса Тошкент областандан шаҳарга 1984 йил 8 августда келган. Шунинг учун бошқармамиз сизнинг талабингизни ҳозирча қондиришмайди.

Ташвиш тугайдими?

Биз, бир гуруҳа пенсионерлар Сергели районидаги «Дўстлик» массивининг 6-уйида яшаймиз. Чакка, суя оқишлар жонга тегади. 60-ЖЭКа айтивериб чарчади. Борман, учрамаган жойимиз қолмади...

МАНАНИКОВА,
ШЕВЧЕНКО,
ФАЙЗУЛЛАЕВ ва бошқалар.

К. ДУДИН,

«Главташкентстрой» бошлиғи.

— Уй 1987 йилнинг августидан бизнинг қурувчиларимиз томонидан фойдаланишга топширилган эди. Лекин ордерларнинг йўқлиги сабабли янги уйга кўчиб ўтиш ноябрда тугалланди. Бу орада янги уйда ҳужасизлик рўй берган. Қўпгина кватиралардан эшик, линолеум, санитария-техника жиҳозларини умариб кетишган, канализация қувурлари тикилиб қолган.

Айни пайтда канализация қувурлари тазаланиб, нормал ҳолга келтирилган. Шу ва бошқа қатор камчиликлар, шунингдек, 143-кватиранинг санитария-техника узелидан носозликлар ҳам 1-уйсозлик комбинатининг 31-қурилиш бошқармаси қурувчилари кучи билан бартараф этилди. Эндиликда авария ҳолатларида истиқоматчилар уйни эксплуатация қилувчи ташкилотларга мурожаат қилишлари керак.

Почта қутиси қани?

М. Горький проспектидаги «Художник» бекатининг жуфт томонидagi уйлар олдига бир неча йилдан бери почта қутиси турар эди. Энди у тоқ томонга ўтиб қолди. У томонга текмасиз ҳаракатдаги транспорт оқими ичра ўтиш керак. Бу нисон ҳаёти учун жуда хавфли. Нахотки шунча йил жуфт томонда турган қутини яна ўз жойига қўйиб бўлмасан!

В. СЛЕПТЕРЕВ,
пенсионер.

У. ИСМОИЛОВ,

Ўзбекистон ССР Алоқа министрилиги
Тошкент почтамати бошлиғи.

— Эйтибoringиз учун шунинг маълум қилимизки, жуфт томонданги ўша 8-номерли почта қутиси вақтинча олиб қўйилган эди. Чунки у ўрнатилган темир устун синиб, яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги учун ремонт қилишга тўғри келди.

Ҳозирги кунда қути ўз ўрнига ўрнатиб қўйилди.

«56»ни кўрган борми?

Қорақамизга қатновчи 56-маршрутдаги автобус ҳаракатини норозимиз. Мутлақо графика риоз эмтайд. Баъзан, кутавериб кўзлар тўрт бўлиб кетади. Қачон 56-маршрут тартибга тушаркин!

К. АСЛЯМОВ,
ва яна беш киши.

Қ. СИДИҚНАЗАРОВ,

Тошкент шаҳар пассажир транспортини ишлаб чиқариш
Бош бошқармаси бошлиғи.

— Йўловчиларнинг эйтирозлари тўғри. Текширишда фактлар тасдиқланди. 56-маршрутдаги бригада аъзоларининг ҳаммаси 3-автопаркиннинг 90-номери буйруғига биноан йўловчиларга ёмон хизмат кўрсатганлиги учун 50 процент мукофотдан маҳрум этилдилар. Парк диспетчери Булгакова телефонда пассажирлар билан қўпол гаплашган иш учун ғайовор олд.

Айни пайтда маршрутда иш тўғри йўлга қўйилди. 3-автопарк директори ўринбосари В. Тешабоева маршрутнинг мунтазам назорат қилиб бориш топширилди.

Билимдонлар беллашуви

ви барчада қизиқиш уйғотди.

«Матбаачи» командаси аъзоларининг билимдонлиги, топқилини, ўткир зеҳинлиги ҳар бир жавабларда сезилиб турди.

Ўқитувчи Маъсуда Махмудова совет педагогига деган юксак шарафли номни оқлаб ҳар бир машғулоти юқори савида ўтишидан

ташқари, ёшларни ҳозирги замон талабларига тўла жаваб бера оладиган етук му-

тахассис ҳамда дунёқараш кенг ва ҳар томонлама ривож топган, ўткир билимли бўлиб етишганига ҳам катта эътибор беради.

Кечада ўқувчилар матбаачилик касбини ағгаллан-ликларини намойиш қилдилар. Техникда хорижий

майлмакатлардан келган йигит ва қизлар ҳам совет талабалари билан бир қаторда таҳсил оладилар. Ўқувчилар орасида Куба, Кампучия, Монголия, Лаос каби мамла-

катлар вакиллари бор. Шунинг учун халқлар дўстлиги мавзуси ҳам кеча программасига киритилганлиги бе-

жиз эмас. Кечада ўзбекча, русча

қўшқ ва рақслардан ташқари монголча, кубача ашула ва ўйинлар ҳам ижро этилди. Кеча муҳим интернационал тарбиялий аҳамият касб этди. Унинг бадиий қисмининг тайёралида Навоий номидаги ўзбек давлат академик Катта театрининг солишти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳамроали Кичимбоев катта ёрдам берди.

Муҳаддас ЮСУПОВА.

Ойбек—жанг майдонларида

Ойбек хотираларида жангчи образи мавзуда қисқача фикр юртишдан аввал, иккинчи фанларнинг жамиятдаги ўрни деган масалага бир нав муносабат билдириб ўтиш ўринли бўлур эди. Шу ўринда академик Н. Моисеевич ажойиб зикри хотираларига келадди. «Агар XX асрнинг биринчи ярми аввал физика, сўнг биология фанларидаги тараққиёт устунлиги етдикида ўтган бўлса, XXI аср. менинг назаримда нисон ва инсонийлик ҳақидаги фанлар, асри — гуманитар фанлар асри бўлиб қоларди. Бу фикрга жиддий эътибор бермас, унинг эътиборида жуда катта маъно ётганини ўқиб оламиз. Гап бу ерда у ёки бу фаннинг биринчи ўрнига чиқиб олиш устидигина кетмастек йўқ. Бу фикрининг илдизин инсониятнинг тақдир масаласига бориб боғланади. Яъни инсониятнинг тақдирини аниқ ва табиий фанлар ривожини тўғайлиб турган термоядролар қуроллари ва атом бомбаси эмас, балки шуларнинг яратган ва яратадиган инсон онги ва инсон тафаккурини тўғри йўлга қўйиб, бир сўз билан айтганда, дахшат бўёқсизга келиб қолган инсоният тақдирини саллаб қолиш учун аниқ фанлардан ҳам кўра, иккинчи фанлар асосларидан бўлиб қилишлари мумкинлигига эмас, зарурлигини шу кунги ҳаётига, шу кунги бевозталигини ҳам кўрсатиб турибди. КПСС Марказий Комитетининг сўнгги йиллардаги қатор Пленумлари қарорларида идеология масаласи ва бинобарин, у билан боғлиқ иккинчи фанларга эътибор масаласи жамият тақдирини иқтисодий вазиқлар билан баб-баравар биринчи планга чиқди, дейилгани бежиз эмас. Шундай экан, академик Н. Моисеевич XX аср гуманитар фанлар, иккинчи фанлар асри бўлади, деган фикри замирида чўқур ҳаётий ҳақиқат ва айни вақтда, зарурат етди, деган хулосага келиш мумкин.

Шу маънода Ойбек хотираларида жангчи образи деган мавзуга ишланган, традицион тус олган: адиб совет жангчиларининг ватанпарварлигига, қаҳрамонлигига, социалистик тузум ғалабаларини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор берди дейилувчи умумий йўналишда эмас, балки совет жангчиси қиёфасига намоён бўлувчи, янги жамият шакллантирган шахс концепциясини адиб қандай идрок этди ва хотиралари, эсдаликлари, экспромтлари, хомаки материалларида бўлуси асарлари учун қандай тайёргарлик ишларини олиб борди деган йўналишда ёндоиш тўғрироқ бўлади.

Маълумки, Ойбек 1942 йилнинг декабридан 1943 йилнинг март ойигача фронтда бўлади. Бу факт адабиётшуносликда кўпича: Ойбек 2-ўзбек бадиий бригадасида санъаткорлар билан бирга Москва бўёқларидagi ўзбек дивизиялари ҳузурида бўлди, деб маълумот берилади. Ҳолбуки, адибининг фронтда бўлиши факт шу билангина чегараланмайди. У фронтда бадиий бригада билан 2 ойгина бирга бўлади. 35 кун давомига эса, улардан ажралиб қолди, акка ўзи бўлуси асарларига материал янгиб, жангчилар орасида юради, жанг майдонларини кезади. Шу ўринда Ойбек ҳаётини икки-уч фактни келтириш ўринли бўлур эди.

Уруш бошлангандан сўнг бир ҳафта ўтгач, Ойбек ҳатто олисига ҳам айтмай туриб [буни маълум даражада яшириб дейиш ҳам мумкин], фронтга кетиш учун арза беради. Бироқ, унинг илтимоси қондирилмайди. Арзасидек кўринган бу кичик фактда Ойбекнинг буюк гражданлик бурчига муносабатини кўрамиз: фронтга кетаётган, ёзувчи Москвага келиб тушган биринчи кунини — 1942 йилнинг 6 декабрида воқеаларда халтасидagi бир парча нонига бир блокнотини алмашиб олади [кейинчалик унинг фронт хотиралари шу блокнотга ёзилди]. Бу фактда биз адибининг сўз эҳтиёжини нон эҳтиёжи билан баробар ва ҳатто шу дақиқада ундан ҳам устун қўйганини кўрамиз. Учинчи факт: адиб фронтдан қайтган кунини ҳақида ўз хотирасида шундай ёзади: «Март ойининг сўнгги кунлари эди, кир-флос, ҳорғин ҳолда қоқ ярим тунда эшигим олдига тўхтадим. Болаларим ёш эди, бевақт қўрқитмаслик учун деразани охиста чертдим...» Ҳолбуки, адиб Москвадан Тошкентга ҳориб, толиқиб, поездда ўн саникз кун йўл юриб келган эди. Ўзининг беқисс нозик ва олижаноб, ҳар бир ҳаракати чекисиз меҳр билан лимало-лим қалбига эътибор берайлик: нечоғлики тиникси қўриб, чарчаб, ёғоч ўриндиқли поездда 18 кун силкиниб келганига қарамай, болаларини ёш бўлган сабабли, тунда бевақт қўрқитмаслик учун Зарифа азининг деразаларини охиста чертади. Мана шундай олижаноб фазилатлар эгасига буюк адиб бўлиши мумкинлиги балки, деган ўйга боради киши.

Ойбек фронтда бўлар экан, совет жангчилари билан юзма-юз учрашадиган, жасоратларнинг жонли гувоҳи бўлади. Учрашуларда унлаб конкрет қаҳрамонларга бағишлаб 3—10, баъзан ҳатто 3—4 минут ичда экспромт шеърлар ёзади, уларнинг ўзига қўйиб беради. Бу шеърлар жангчиларимиз руҳини нечоғлики кутарганини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу шеърлар фақат шеъринга эмас, сўз шаклидаги моддий куч эди, сўз шаклидаги қурол эди, жангчилар учун нихотда зарур бўлган маънавий қўдрат эди бу сўзлар.

Ойбек фронтда бўлар экан, жангчиларимизнинг қаҳрамонлиқларини кўради ва бу жасоратларнинг наиники шахсий, балки энг асосийси, иккинчи сабабларини излайди, топади ва уларни ўз хотираларида муҳралайди. Улар кейинроқ адиб асарларидаги бош гоҳий мотивини қаҳрамон характеридаги етакчи фазилатларини тақли этиди.

Қўлдан кўп жангчилар билан учрашгач, сўхбатлашган Ойбек шундай хулосага келди ва бу хулосани фронт хотираларида шундай қайд этди: «Жангчиларимизнинг, халқларимизнинг маънавий қўл қалъаси қон сайин метилишамокдир». Деярли тўрт ой давомида ёзиб

Ойбек фронтда бўлар экан, жангчиларимизнинг қаҳрамонлиқларини кўради ва бу жасоратларнинг наиники шахсий, балки энг асосийси, иккинчи сабабларини излайди, топади ва уларни ўз хотираларида муҳралайди. Улар кейинроқ адиб асарларидаги бош гоҳий мотивини қаҳрамон характеридаги етакчи фазилатларини тақли этиди.

Қўлдан кўп жангчилар билан учрашгач, сўхбатлашган Ойбек шундай хулосага келди ва бу хулосани фронт хотираларида шундай қайд этди: «Жангчиларимизнинг, халқларимизнинг маънавий қўл қалъаси қон сайин метилишамокдир». Деярли тўрт ой давомида ёзиб

1. Ойбек. Фронт бўйлаб (қўндалик дафтардан). Тошкент. Ф. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрияти, 1985, 6-бет.



борилган фронт дафтарига ёзувчи шахсан сўхбатлашган ҳар бир жангчидаги мана шу маънавий кўчининг барқарорлигини таққор-таққор таъкидлаб ўтади.

Ойбек фронт хотираларида жангчиларимиз ғалабаларига асос бўлган ва уларнинг характерида мужассам топган бошқа омилиларга ҳам алоҳида эътибор берадими, бу ҳам, шахс концепциясидаги совет жамияти кишиси учун характерли саналувчи энг муҳим аломатлардан биридир, дейиш мумкин. «Европада энгил ва илдам ғалабаларга эришган душман бизнинг Ватанда Қизил Армиянинг елмирилмас улкан жасоратига, совет халқлари дўстлигининг мустаҳкам қалъасига йўлиқиб, пешонаси ёрилди» [4-бет] деб ёзади адиб хотираларининг яна бир ўрнида. Зеро, Ойбек деярли тўрт ой давомида фронтда бўлар экан, жангчиларимиз қиёфасидagi тарих биланга бундай дўстлик намуналарини ўз кўзи билан кўради, қор ва ёлғир босган блиндакларда, окопларда ўтириб, улар билан юзма-юз сўхбатлашади.

Ойбекнинг фронт хотираларида ўз ифодасини топган совет жангчиси, фронтдаги киши ҳақида гап борар экан, шубҳасиз, ундаги муаллиф образининг ўзини ҳам четлаб ўтиш мумкин эмас. Хотираларига муаллиф қиёфасини фақат адиб образига эмас, бемалол жангчи-адиб образи дейиш мумкин. Зеро, Ойбек қўлда қурол билан жанг қилмаган бўлса, фронт машаққатларини ўз бошидан кечирди. «Москвага келганимдан деб ёлғиз шу ерда тўйиб оқат едим» [8-бет] деб ёзади у 1942 йилнинг 13 декабрида ўз кўндалигига... «Қисм комсомолларининг Ўзбекистон комсомолларига ёзилган катта мурожаатини шу ерда чўқайиб ўтирган ҳолда ўзбекчага таржима қилдим»-де, ўқиб бердим» [10-бет] деб ёзади 14 декабрда. «Ўстидамоқ оқ сурп кийдим. Снаряд ва миналар тушиб турган йўллардан юриб, батальон команди пунктига бордим. Комбат ва бир неча автоматчилар билан олдинги чизинча пиёда йўл солдик» [18-бет]. «Немис траншеялари етмиш—юз метр нарида. Ай-тишларига қараганда, баъзи жойларда немис траншеялари жуда яқин—йигирма-ўттиз метр экан» [19-бет]. «Жангчилар илтимоси билан уларнинг номидан оталар ва пионерларга ёзиб, митингларга ўқиб берилган хатларни русчага таржима қилиб, редакцияга топширдик» [23-бет]. «Похол устиди ечинмай ётдик. Бир ҳафтадан бери кийим-кечан билан ётамиз» [25-бет]. Хотираларда бундай мисоллар жуда кўп. У 30 метр нарида душман миниси портлаганини ёзади. Бундай даҳларда Ойбек баландпарвозликка берилмайди. Қўндалик дафтарига у дил сўзларини ёзади: «Сал чўчиб-рон ишладим» дейди у қўндаликда. Жангчиларнинг орасида юриб Ойбекнинг ўзи ҳам баъзан худди жангчиларнинг ўзига ҳамаб кетганини сезмай қолади. «Эрта билан ўқиб полка жўнадик... Шоқин кўтариб борамиз» деб ёзиб қўяди адиб қўндаликда. Мамалат ичкаридан жангчиларга юборилган хатлардан бири Ойбекка ҳам берилганлига қараганда, ҳарбийлар иттиҳига ўтиб, ҳарбий интизомга бўйсуниб яшаганини, қўндаликда қайда ёзилганини назарга олганда, фронт ликини янгиликдан, унинг қўлига ҳам баъзан қурол бериб қўйганларини эътиборда тутганда фронтда у ҳам деярли жангчи ҳисобида бўлганини пайқашимиз қийин эмас.

Биз улуғ сиймолар, буюк адиблар ҳақида фикр юртиганимизда қўпича улар табиятидаги юксак маънаводиги сифатларини қидиришга берилиб кетамиз-да, барча учун хос бўлган оддий инсоний фазилатларини топишни гоҳида унутиб қўямиз. Ҳолбуки, ақсар улуг сифатлар мана шу оддий фазилатлар замирида яшириниб ётган бўлади. Севимли адбимиз Ойбек сиймосини ҳам мана шундай оддий ва айни вақтда кишини ҳаяжонга солувчи фазилатлар нуранлириб туради. Фронтда экан Ойбек барча қатордошлари каби Ватан тақдирини, халқ тақдирини ўйлади. Ойбек улуг адиб эди, тўғри, бироқ у айни вақтда, ҳамма қатори содда ва оддий бир инсон эди. Бу нарсани унинг фронт қўндаликларига тоза нур сочиб туради. Масалан бир ўрнида: «Эски йилдан минутлар қолди», деб ёзади адиб. Бундай ҳаяжонли оларда, ҳатто фронт ликинидаги дахшатли жойда бўлсин, киши нимани эслайди, нимани ўйлайди! Шубҳасиз Ватан маъносига қатта тушуновчалардан ташқари, ўзи учун энг муқаддас кишиларни эслайди, Ойбек ҳам шундай. «Йилмаздагиларини — болаларини эслайман, янги йил қўвончли бўлсин» [30-бет] деб ёзиб қўяди Ойбек 1942 йилнинг 31 декабрида фронтдаги қўндалик дафтарига. Фронт дафтаридида бундай сатмий сатрлар мўл-қўл учрайди.

Ойбек фронтда юриб, айниқса ўзбек жангчиларининг характеридаги шу даражада чўқур ўрганадиган, эсдаликлардаги аниқ фактларни ўқиб қойил қолмай микронингиз йўқ. Мана бир кичик масала: «Бу ерда яхши ўзбек тўпчиларидан Ҳамзадан деган йигит ҳақида гапирардим. Мен концерт вақтида, шоқин-сурон орасида тўпчи йигитга бағишлаб кичкина шеър ёздим: Қончирт охирида жангчилар оми. Мидан таркиб учун Ҳамзадан сўз олди... Қизиги шундаки, у ўз нутқини «Берлинга бормиз» деган жумла билан тугатди, менинг шеъримнинг охири сўзлари ҳам «Берлинга-ка бор» деб тугатди [24-бет]. Қараган, хали Ойбек унга бағишланган шеърини ўқиб бермасидан туриб икковининг фикри бир жойдан чиқади. Тасодифдек кўринган бу — қаҳрамон билан у ҳақида ёзаётган адиб фикрларидagi умумийлик ва муштарақликда шунинки тасодифот эмас, балки санъаткор томонидан ўзи яратадиган қаҳрамоннинг типик дунёсини чўқур билиши ётади, албатта.

Йилгадана бутун бир Ватанин қалбига сиғдириб, унинг билан бирга баб-баробар йиллаб олган, ғалаба нашидлари келган эса, бепоён мамлакат бағрига ўз юрагини қон қилиб қуйлаётган, бутун Ватан билан бирга баб-баробар қуйил олган улуг фарзанди Ойбекни севимли халқимиз доимо дил тўрида асрайди.

Бахтиёр НАЗАРОВ,
филология фанлари доктори.

